

УСТЮРТ ПЛАТОСИ ВА СУЛТОН УВАЙС ТОҒИ ҲУДУДЛАРИДА ТОШ АСРИДА КЕЧГАН ЭТНИК МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИ САҲИФАСИГА ДОИР БАЪЗИ БИР МУЛОҲАЗАЛАР

Собиров Қурбонбой

Урганч давлат университети тарих кафедраси профессори

Сапарбаева Азиза Асрор кизи

Урганч давлат университети 2 - босқич талабаси

E-mail: azizasaparbayeva13@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада Турон замини шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Устюрт ва Султон Увайс тоғи ҳудудларида одамзод томонидан ўзлаштириш жараёнлари ва унинг босқичлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Винаградова Е.А, Баратов П, Бижанов Э.Б, Маматкулов М, Матқурбонова Г.Ж, Рафиқов А, Толелберганов М.Ж, Турсинов М.Ж, Ягодин В.Н, Турон, Султон Увайс, Устюрт, Есен-2, Қоракудук, Чирик, Қорнижарик, Бурли-3.

Аннотация: В статье анализируется процесс самоопределения человечеством и ее этапы в северо-западной части Турана.

Ключевые слова: Виноградова Е.А, Баратов П, Бижанов Е.Б, Маматкулов М, Матқурбонова Г.Ж, Рафиқов А, Толельберганов М.Ж, Турсинов М.Ж, Ягодин В.Н, Туран, Султан-Увайс, Устюрт, Есен-2, Каракудук, Чирик, Карнижарик, Бурли-3.

Abstract: The article analyzes the process of self-suffrage by mankind and its stages in the northwestern part of Turan.

Keywords: Vinogradova E.A, Baratov P, Bijanov E.B, Mamatqulov M, Matqurbonova G.J, Rafikov A, Tolelberganov M.J, Tursinov M.J, Yagodin V.N, Turan, Sultan Uweis, Ustyurt, Yesen-2, Karaguduq, Chirik, Karnijariq, Burli-3.

Турон заминининг юзасининг тузилиши асосан тоғлик ва текислик қисмларга бўлиниши ўзининг географик таракқиётининг турли даврларида муҳим палеотектоник ва палеогеографик жараёнлар, фаол ҳаракатлар натижасида доим ўзгариб турган. Мазкур заминнинг географик марказда


жойлашган Ўзбекистон худуди тоғлик ва текисликлардан иборат бўлиб, географик жойлашиш жиҳатидан стратегик аҳамиятга эгаллиги билан Шарқнинг қадимий цивилизацияси макони бўлган Ироқ худудини эгаллади. Ўзбекистон худудининг асосий қисми текисликнинг шимоли-ғарбида Устюрт ва Султон Увайс тоғи жойлашган бўлиб, уларнинг геологик тузилиши яхлит, аммо ер рельефидан фарқланиш хусусиятига эга. Географик адабиётларда ва нашрларда қайд қилинган маълумотларга кўра, Устюрт худуди ер геологиясининг тўртламчи давр геологик жараёнларнинг палеозой ётқизикларидан иборат бўлиб, унинг қобиғини 4,5 км мезазой ва кайназой даврида кечган жараёнлар давридаги чўкиндилари қоплаб олган. Устюртнинг умумий майдони - 200 000 км квадратни ташкил этган. Ҳозирги вақтда ушбу майдоннинг 70,3 минг км квадрат қисми Қорақалпоғистон Республикаси таркибида бўлиб, ҳозирги кунда аҳолининг хўжалик соҳаларини жонлантиришга ўзининг табиий ресурслари билан хизмат қилмоқда [Баратов, 1996, 150-151-б].

Устюрт платоси худудига геологик тараққиёти натижасида унинг давоми сифатида Султон Увайс тоғи, ер юзасида фарқланиш бўлса ҳам худудий жиҳатдан яхлит. Султон Увайс тоғи Амударё фаолияти натижасида ўнг соҳили этагига жойлашиб, Қизилқум табиий-географик худуди таркибида жойлашиб, унинг ғарбий томонинг чўзилиб, алоҳида-алоҳида Шайх Жалил, Жейли, Куняк, Зангибобо, Шумиртоғ каби тизмаларига эга бўлиб, унинг энг баландлиги Аширтоғ (475м), унинг шарқий томонга чўзилиши 45 км, кенглиги 10-15 км болиб, Хоразм воҳа географик ҳолатини белгилаб берган [Баратов, 1996, 168-б].


Демак, Устюрт платоси ва Султон Увайс тоғининг географик ўрни ер ости тектоник ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиб, бу жараён кайназой эрасининг учламчи ва тўртламчи даврида кечган жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, қадимги Ўзбекистоннинг таркибий қисмидан иборат бўлган. Устюрт платоси ва Султон Увайс тоғлари ватанимиз худудида тош даври илк босқичларидаёқ географик муҳит, табиий иқлимий шароит жиҳатидан фарқ қилган. Устюрт чинки юзаси тузилиши жиҳатидан шимолий, марказий ва жанубий худудлари текислик, улар ўз навбатида учта ботиқ ва учта баландликка бўлинган. Устюрт бепаён текислик бўлганлиги ва турли томондан очиқ бўлганлиги боис, табиат томонидан бўладиган инжиқликлардан ҳоли эмас, шундай бўлса ҳам Ўзбекистоннинг тоғли худудлари сингари одамзод томонидан ашель даври илк босқичидан ўзлаштириб, илк этник муносабатлар бошланган.

Таъкидлаш лозим бўладики, XX асрнинг 70-йиллари ўрталаригача Устюрт худуди қадимшунослари томонидан тош асрига оид манзилгоҳлар археологик жиҳатдан ўрганилган эди. XX асрнинг 70-йиллари ўрталаридан бошлаб, археолог олим Е.Бижанов Устюртда археологик дала амалиёти даврида рўйхатга

олинган аҳоли манзилгоҳларида қазилма ишларини олиб бориб, тош даврида кечган этник муносабатларни ёритадиган моддий ашёларни олишга муваффақ бўлган. Тадқиқотчи қайд қилишича, Борсакекмаснинг жануби-ғарбида (Есен-2), мазкур ҳавза шимоли-шарқида Қорақудуқ атрофида, Шоҳпахта ҳавзасида (жами 34 та) 24 та манзилгоҳ ашёлар даври қуйи босқичига оид бўлган. Шу билан бирга Чирик қудуғи яқинида (Чурик), Ғарбий Устюртда Қорниёриқ (Қарнижарик) дан олишган ашёлар ашель даврига мансублиги қайд қилинган [Ягодин, Бижанов, 1974, 443-444-б]. Е.Б.Бижанов Устюрт платоси ҳудудида тош асри манзилгоҳлари жойлашган харитасини илмий жамоатчилик эътиборига тақдим қилиши муҳим аҳамият касб этди.



1-расм. Е.Б.Бижанов тузган харита. Устюрт платоси харитасида тош асри манзилгоҳлари ва моддий ашёлари



2-расм. Устюрт платоси. Есен-2 манзилгоҳи тош қуроллари

Тарихий маълумотларга кўра, тош даври сўнгги босқичида одамзод томонидан Султон Увайс тоғи этаклари ўзлаштирилган [Виноградов, 1998, 74 – 77 – б].

Устюрт платоси ва Султон Увайс тоғи ҳудудларини археологик жиҳатдан ўрганиш жараёни ҳудуднинг этник тарихи, этнологияси, антропологияси ҳақида маълумотлар олиш имконини беради. Жумладан, археологлар томонидан очиб ўрганилган қабрлардан олинган моддий ашёлар (меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечаклар, тақинчоқлар) ва суяк қолдиқлари этнологик тадқиқотлар учун муҳим аҳамиятга эга. Антропологлар томонидан ўрганилган суяк қолдиқларининг халқларнинг этногенези, ташқи қиёфаси, этник ассимиляция жараёнларини ўрганишдаги ўрни бекиёсдир. Устюрт ва Султон Увайс тоғлари ҳудудидан топилган Есен-1, 2, 4, 6 - тош устахоналари, Шоҳпахта, Қорақудук, Есен-3, Чурук-12 тош даври манзилгоҳларида олиб борилган тадқиқотлар ҳудуднинг тош даври этнологияси учун ҳам аҳамиятлидир. Шунингдек, Устюрт чинки жануби – шарқда Каскажар Сарикамишнинг жануби – ғарбидаги Туменкичиджик қабирларидан олинган безаклар мазкур даврда аждодларимизнинг безанишлари тўғрисида кенг тасаввурни ҳосил қилиш мумкин. Е.Б.Бижанов қайд қилган Каскажар қабридан жасад бошидан чиғаноқдан ясалган безаклар топилган. Жанубий Оролбўйи ҳудудида сўнгги тош даврдан ўрнашган аждодларимиз мавжуд бўлган табиий ресурсларни ўз манфаатларига хизмат қилдириши, яъни тоғ – кон ашёларидан тақиб, унинг турли замонларда заргарлик санъатининг такомиллашиши жараёнларини ўрганиш мумкин.

Шу тариқа, юқорида қайд қилинган фикр-мулоҳазалар қуйидаги хулосани қайд қилишга имкон берди:

- Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий ҳудудида жойлашган Устюрт ва Султон Увайс тоғи тузилиши ер ости тектоник ҳаракатлари натижасида вужудга келган. Уларнинг геологик асоси яхлит, аммо ҳудуд рельеф жиҳатидан хилма-хил бўлганлиги боис, одамзод томонидан бир тарихий санада ўзлаштирилмаган.

- Устюрт чинки шимолий, марказий ва шимоли-шарқий ҳудудлари одамзод томонидан тош даврининг ашель қуйи босқичидан ўзлаштирилиб, бу жараён кейинги тарихий даврларда давом этган.

- Султон Увайс тоғи одамзод томонидан сўнгги тош даври (40-12 минг йилликлар) да ўзлаштирилиб, мазкур ҳудудда мезолит, илк неолит даврларида этник муносабатлар кечган.

- Археологик изланишлар, ибтидоий жамоа тузими даврига оид манзилгоҳлар, маданий қатлам, мазор – қабирларнинг очилиши ҳудуд этнологиясига оид материалларнинг тўпланишига ва этнологик дала тадқиқотларига туртки бўлган.

- Этнологик тадқиқотлар бевосита археология ва антропология билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Халқларнинг турмиш тарзи, яшаш шароити, хўжалигини ўрганишда моддий ва ёзма манбалардан фойдаланилади.

- Этногенез ва халқлар ассимиляция жараёнларини ўрганишда археология, антропология, палеоантропологиянинг ўрни бекиёс. Бу тадқиқотлар эса қазилмалар жараёнида олинган ҳар қандай моддий ашёлар, суяк қолдиқларини синчиклаб ўрганишни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Баратов. П. Ўзбекистоннинг табиий географияси – Тошкент Ўқитувчи, 1996, 150-151-б.
2. П. Баратов, М. Маматкулов, А. Рафиқов Ўрта Осиё табиий географияси – Тошкент, “Ўқитувчи”, 2002.
3. Бижанов. Е. Б. Находки памятников палеолита на Юго-Восточном Устюрте // Вестник ККСР АН УзССР – Наука, N1. 1980. – С. 56 – 64.
4. Бижанов. Е. Б. О находках памятников каменного века в районе впадины Шахпахты на Устюрте // Вестник. ККО АН Уз. Вып №1. – Нукус, 1983. – С. 65–68.
5. Виноградова Е. А. Первые палеолитические находки в Султануиздаге // Приаралье в древности и средневековье. – М: Наука. 1998. – С. 74 – 77.
6. Толепбергенов М. Ж, Турсинов М. Ж, Маткурбонова Г. Ж Геологическая оценка физико- географический условий Устюрта // Қуйи Амударё региони ижтимоий – иқтисодий муаммоларнинг географик ечимлари Республика илмий-амалий конференция материаллари 2010. – Б. 111-113.
7. Ягодин В. Н, Бижанов Е. Б Археологические работы на Устюрте // АО – 1973. – С. 443 – 444.